

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

№ 5 / 2021

2022 йил “05” январь

Когон тумани

“Маҳсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият директори И.Норов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Когон туман МТБ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари З.Ж.Кахорова иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг 1-боби (Шартноманинг мавзуси) куйидаги тахрирда баён қилинсин.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Дизель ёқилғисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига 8-банди 4-хатбошига асосан ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўрғача котировка нархларида ҳамда 2022 йил давомида “Истеъмолчи”га етказиб беради.

1.2. “Маҳсулот етказиб берувчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган автобензин АИ-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси) маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан сотиб олинган нархига устама қўйиб “Истеъмолчи”га етказиб беради.

1.3. “Истеъмолчи” “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан етказиб бериладиган автобензин ҳамда дизел ёқилғиси маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни амалга ошириб боради.

1.4. “Истеъмолчи” нинг нефт маҳсулотлари “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг ҳисобидан ва унинг Автоёнилгикашларида “Истеъмолчи” нинг манзилига етказиб берилади. “Истеъмолчи” нинг хоҳишига кўра нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи” нинг автоёнилгикашларида олиб чиқиб кетилиши мумкин.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартномага асосан етказиб бериладиган нефть маҳсулотларининг нархи ҚҚС (15%) ни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

2.2. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 2000000 (икки миллион сум) сумни ташкил қилади.

2.3. Нефть маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига янги нарх қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ҳақдорлиги мавжуд бўлгани ҳолда нарх ўзгарган кунгача олиб кетилмаган нефть маҳсулотлари ҳам янги нархларда “Истеъмолчи”га етказиб берилади (сотилади).

2.4. Етказиб бериладиган (берилган) нефть маҳсулотлари учун тўлов 100% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

- а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефть маҳсулотлари етказиб беришни “Маҳсулот етказиб берувчи” дан талаб қилиш;
- б) етказиб берилган Нефть маҳсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;
- в) сифатсиз Нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда “Истеъмолчи”:

- сифатли ана шундай турдаги нефть маҳсулотларини “Маҳсулот етказиб берувчи” хисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;
- нефть маҳсулотларининг сифатини “Маҳсулот етказиб берувчи” хисобидан тиклашни талаб қилиш;
- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда маҳсулотни қабул қилишни рад этиш;
- г) “Маҳсулот етказиб берувчи”дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари учун “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% тўловни амалга ошириш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича қабул қилиб олиш;

в) маҳсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

3.3. “Маҳсулот етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур шартнома мажбуриятлари “Истеъмолчи” томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ҳамда унинг натижасида “Маҳсулот етказиб берувчи”га моддий зарар етказилса “Истеъмолчи”га нисбатан жарима санкцияларини қўллаш ва етказилган зарарни ундириб олиш чораларини кўриш, шу жумладан судларга Даъво аризалари киритиш;

б) “Комитент”нинг топшириғи (таксимот реестри)га мувофиқ ушбу шартномага асосан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қоплалигини “Истеъмолчи”дан талаб қилиш;

в) етказиб берилган нефть маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) агар нефть маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида “Маҳсулот етказиб берувчи” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда ўз хисобидан бартараф этиш;

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

4.2. Нефть маҳсулотларини ёнилғи тарқатиш шахобчасидан етказиб берилганда, расмийлаштирилган тарқатиш варақасида “Истеъмолчи” вакилининг маҳсулотни қабул қилганлиги тўғрисида имзоси қўйилган сана, агар маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг оғоридан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Нефть маҳсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаганлиги ва “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг топшириғи (таксимот реестри)га мувофиқ “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан нефть маҳсулотлари етказиб берилганида “Истеъмолчи” томонидан ўз вақтида қабул қилиб олиши “Истеъмолчи” томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ёнилғи тарқатиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда ёки транспорт воситасида етказиб берилиши мумкин.

4.5. “Истеъмолчи”нинг розилиги билан ҳақи тўланган нефть маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Ушбу нефть маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот ҳисобига ўтказилади.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда нефть маҳсулотлари етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган нефть маҳсулотларининг ўрни қопланиши (тўлдирилиши) лозим бўлади, бундай нефть маҳсулотларини етказиб бериш **“Истеъмолчи”**нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилиши ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари бевосита **“Истеъмолчи”**нинг масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади. Топшириш-қабул қилиш ҳужжатида етказиб берилган нефть маҳсулоти миқдори кўрсатилади. Сифатига оид ҳужжатнинг нусхаси **“Истеъмолчи”**нинг талаби билан берилади.

4.8. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

5.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

5.2. Шартнома ғазначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар етказиб берилган нефть маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартлараг жавоб бермаган тақдирда, **“Маҳсулот етказиб берувчи”** сифати зарур даражада бўлмаган нефть маҳсулотлари кийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

6.2. Нефть маҳсулотларини кечиктириб етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда **“Маҳсулот етказиб берувчи”** **“Истеъмолчи”**га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдориди **пеня** тўлайди, бироқ бунда **пеня** суммасининг умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари кийматининг **50 фоизидан** ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, **“Истеъмолчи”** **“Маҳсулот етказиб берувчи”**га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,4 фоизи** миқдориди **пеня** тўлайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан** ортик бўлмаслиги керак.

6.4. **“Истеъмолчи”** томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун **“Маҳсулот етказиб берувчи”** **“Истеъмолчи”**га тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг **0,4 фоизи**, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг **50 фоизидан** кўп бўлмаган миқдорда **пеня** тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар – зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала, қонун ва қонуности ҳужжатлардаги ўзгартиришлар ва хоказолар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайдилар.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини, **“Маҳсулот етказиб берувчи”**ни ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар

хокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чоратadbирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши лозим.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондага кўра, мустикал равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган иқтисодий судда ҳал қилинади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатга эга бўлган вакиллари томонидан имзолангандан сўнггина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

10. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари:

“Маҳсулот етказиб берувчи”

“Бухоро нефт базаси” МЧЖ

Бухоро вилояти, Когон тумани

Туткунда МФЙ

Х/с: 20210000904268620001

ХАТВ “Orient Finans bank” Тошкент ш

Шайхонтохур ф-л ИНН: 204587384

МФО: 01115

Тел. рақами: 051228-74-77;

Бухгалтерия: 63228-72-10.

И.Норов

(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.У.

“Истеъмолчи”

Когон туман МТБ

Когон ш Коровулбозор шох №5уй

Хр100022860062197091100251012

Инн305159683 оконх 92400

Когон туман Газначилик булими Когон

туман Газначилик булимихр

23402000300100001010

Банк номи МББХКМ Тошкент ш

Инн 201122919 оконх 92400

З.Ж.КАхорова


(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.У.

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодексининг Хужалик шартномалари ҳақидаги умумий қоидалар 353-354-моддалари ва (нефт маҳсулотлари етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар) 437-456 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.08.1998 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида экспертиза қилиб, шартнома лойиҳасини қонуний ҳужжатларига мос келишини аниқладим. Шу сабабли ушбу шартнома имзоласа бўлади деб ҳисоблайми.

Юрист:



“Бухоро нефт базаси” МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Миқдори, тонна	Умумий суммаси
1	Автобензин АИ-80	т-н			
2	Автобензин АИ-91	т-н			
3	Дизел ёқилгиси	т-н			2000000
4	Мой маҳсулоти	т-н			
	Жами:				

Изоҳ: Автобензин ёқилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасида _____ - _____ йил кунлардаги (ўтган ҳафтадаги) шаклланган ўртача биржа котировка нарҳига нефт база устамаси қўшиб ёзилди. Ушбу нарх _____ йил кунигача амал қилади. Автобензин АИ-80 маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: _2000000(икки миллион сум)

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“Маҳсулот етказиб беришчи”



 И.Норов

“Истеъмолчи”



 З.Ж.КАхорова
